

«Авесто»НИНГ 2700 ЙИЛЛИГИ

«Авесто»нинг 2700 йилдан бери яшаб, халкниң ардокли китобига айланиб, эъзозланиб келинишига сабаб, унда шарқ халқларининг фалсафаси, маврифати ўз ифодасини топганилигидир. Зардуштийларниң «Авесто»си гарчи диний таълимот деб атласа-ни, у тор қобиқи ўралиб қолмасдан, кенг миқёсга чиқиб, умумбашарий долзарлар масалаларни кўтариб, хамият тарақкёти учун зарур бўлган фикрларни изҳор этади. Унда узок тарих ифодаланишидан ташкири, табиат, хамият, иқтисод, маданият, тил, оғзаки ижод тўғрисидаги билимлар ва тасаввурлар камлар олинган. «Авесто»дан турли соҳаларга, тиббиёт, космогония оид материал ва маълумотлар олиш мумкин. Энг мухими, бу китобда меҳнаткаш омманинг орзу-истаклари ифода этилган. Шу жihatдан «Авесто»ни кубоснома, дейшиз ҳам мумкин.